


2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗТақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ,
ЛИЦЕНЗИОН ВА БОШҚА
ХИЛ ЎЗГАРИШЛАР**

2011 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-312-сон Қонун билан интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Чунинчи, Фуқаролик кодекси ва бир қатор қонунларда олдин мавжуд бўлган Давлат патент идораси ҳуқуқий ворис – Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига ўзгартирилди.



Шунингдек Олий Мажлисининг «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги қарорининг (222-II-сон, 2001 йил май) 1-иловасига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Уларга мувофиқ, энди куйидаги фаолият турлари лицензияланиши керак:

аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш (бундан олдин – бадий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультипликацион киноvideофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш);

аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш (олдин – киноvideофильмларни ҳамда дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш ва реализация қилиш);

фонограммаларни тайёрлаш (олдин – киноvideо маҳсулотлари прокати);

аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жиҳмларни ишлаб чиқариш (олдин – грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни яратиш, ишлаб чиқариш, ёзиб олиш, кўпайтириш ва реализация қилиш).

Мазкур ўзгартиришлар интеллектуал мулк билан боғлиқ бўлган фаолият турлари янада тўлиқ лицензияланишини билдиради, бу эса чиндан ҳам республикада интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришларга биноан, эндиликда Интеллектуал мулк агентлиги интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларига қилинадиган даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод этилади.

Нотариал ҳаракатлар амалга оширил-

ганда шахслар уларга куйидагилар учун меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун ҳам давлат божини тўлашдан озод этилади:

банклардаги омонатлар, шахсий ва мулкӣ суғурта шартномалари бўйича суғурта суммалари, давлат заём облигациялари, иш ҳақи суммалари учун;

фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, селекция ютуғи, фойдали модель, саноат намунаси, интеграл микросхема-лар топологияси муаллифининг мулкӣ ҳуқуқлари, шунингдек ижрочининг ижрога доир мулкӣ ҳуқуқлари учун;

фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, селекция ютуғи, фойдали модель, саноат намунаси, интеграл микросхема-лар топологиясини яратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ижроларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳақи суммалари учун.

Қонун 2011 йил 27 декабрда «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.

**СТАТИСТИКА
БИЛИШИ КЕРАК**

2012 йил 3 январдаги ЎРҚ-315-сон Қонун билан «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунга (441-II-сон, 2002 йил 12 декабрь) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Улар билан давлат статистикаси ваколатли органининг – Давлат статистика қўмитаси ана шундай орган ҳисобланади – ваколатлари аниқлаштирилган (олдин бундай меъёр назарда тутилмаган); статистика маълумотларига ўзгартиришлар киритаётганда статистика органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари чегараланган. Давлат статистикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, бошқа давлатларнинг статистика органлари билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш, мазкур соҳада ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳуқуқига фақат ваколатли орган эга, маҳаллий статистика органлари эса бошқа ваколатлар билан бирга давлат статистика маълумотларида қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар бериш, юридик ва жисмоний шахслар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини ўтказиш ваколатига ҳам эга.

Давлат статистика кузатувлари ўтказилишини тартибга солувчи меъёр янги таҳрирда келтирилган бўлса-да, муҳим ўзгартиришлар киритилмаган. Аввалгидек, статистика кузатувлари ўтказилаётганида юридик шахслар хизмат биноларига, ўзгартиришга биноан эса, ер участкаларига ҳам киришни таъминлаши шарт. Уй хўжаликлари сўрови статистика кузатувларининг турларига киритилган.

Давлат статистика кузатувларининг шакллари бўйича статистика маълумотлари

қонун ҳужжатларига мувофиқ қоғозда ёки электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

Қонун 2012 йил 4 январда «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.

ЁҚИЛФИГА СОЛИҚ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 декабрдаги 350-сон қарори билан 2012 йил 1 январдан бошлаб куйидагилар истеъмоли учун жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ставкалари белгиланган:

транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси – 1 литр учун 200 сўм;

транспорт воситалари учун суюлтирилган газ – 1 литр учун 165 сўм;

транспорт воситалари учун сиқилган газ – 1 куб метр учун 200 сўм.

**ХУЛОСА УЧУН
ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТГА
КЕЛИНГ**

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг буйруғи (АВ томонидан 2011 йил 21 декабрда 1731-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Истеъмоли объектларнинг электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Уларга биноан энди Ўздавэнергоназорат Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида жойлашган электр таъминоти объектларининг (уланган қувватидан қатъи назар) лойиҳалари бўйича хулосалар беради (илгари Ўздавэнергоназорат 750 кВА ва ундан юқори бўлган электр таъминоти объектларининг лойиҳалари бўйича хулосалар берган).

Низомга қўшимча қилинган меъёрга кўра тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қуввати 50 кВт гача бўлган электр таъминоти объектларининг лойиҳалари келишувини ўтказиш муддати 3 иш кунидан ошмаслиги керак (умумбелгиланган муддат – 30 кун).

2011 йил 31 декабрдан кучга кирди.

**ШЕЛУХА УЧУН –
БИРЖАГА**

Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 21 декабрда 1870-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржаси биржа савдоларида пахта шротини (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Уларга биноан, пахта шротини (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини биржа савдоларида энди омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари, қоракўлчилик ширкат хўжаликлари ҳам харид қилишлари мумкин. Бунда омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар улардан фақатгина омухта ем иш-



лаб чиқаришдан фойдаланишлари мумкин.

Ўзгартиришларга мувофиқ биржа савдоларида иштирок этиш учун сотувчилар ва харидорлар томонидан қўйиладиган закатат биржа савдоларида қўйилган маҳсулот умумий қийматининг ва мўлжалланаётган битишув ҳажмининг 10 фоизгача миқдорини (олдин – 2 фоизгача) ташкил қилиши керак.

2011 йил 31 декабрдан кучга кирди.

**АВИАПАРВОЗЛАР УЧУН
ВАЛЮТА**

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 22 декабрда 511-6-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ резидент ва норезидент юридик шахсларнинг валюта ҳисобварақларига авиачипталарни реализация қилишдан тушган чет эл валютасидаги суммалар қабул қилиниши мумкин. Валюта ҳисобварақларидаги маблағлардан эса ҳисобварақ эгасининг фармойишига биноан авиачипталарни харид қилишда фойдаланиш мумкин.

2012 йил 1 январдан кучга кирди.

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ОҒОҲЛАНТИРМАСДАН
ТЕКШИРАДИ**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 30 декабрда 1573-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1573, 2006 йил 6 май) қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ назорат қилувчи органларнинг Кенгаш (Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ва унинг ҳудудий, вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз амалга ошириладиган назорат функциялари рўйхатига хусусий тиббиёт муассасалари томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказиладиган текширувлар киритилган. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар чоракда амалга оширилган назорат ишлари натижалари ҳақидаги маълумотларни Кенгашнинг ишчи органи билан келишилган шаклда тақдим этиши керак.

2012 йил 9 январдан кучга кирди.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

СОЛИҚ МАСЛАХАТЧИЛАРИ УЧУН ХИЗМАТЛАР АНИҚЛАШТИРИЛДИ

2012 йил 4 январдаги ЎРҚ-316-сон Қонун билан «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунга (21.09.2006 йилдаги ЎРҚ-55-сон) киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, қуйидагилар солиқ маслаҳати ҳисобланмайди (тегишинча, солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини олиш талаб қилинмайди): ўз ваколатларини амалга ошириш до-



ирасида давлат органлари, шу жумладан солиқ хизмати томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тушунтириш; солиқ солиш масалалари бўйича адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш; аудиторлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг солиқ солиш бўйича консалтинг ҳамда бошқа хизматлари.

Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар энди солиқ ҳисоботини тузишда мижозга (ишонч билдирувчига) ёрдам кўрсатишни, солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларни аниқлашни ҳамда уларнинг ҳисобини юритишни ҳам ўз ичига олади.

Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузиш ва унинг мазмуни ҳам янада батафсил тартибга солинган. Чунончи, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти мижоз (ишонч билдирувчи) билан, унинг яшаш жойи ва жойлашган еридан (почта манзилидан) қатъи назар, шартнома тузишга ҳақли. Шартноманинг муҳим шартлари қаторига фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилган.

Белгиланишича, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари солиқ маслаҳатида иштирок этишга бошқа мутахассисларни фақатгина мижознинг (ишонч билдирувчининг) розилиги билан шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқига эга. Улар қуйидаги ваколатларга ҳам эгалар: солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг вакили сифатида солиқ органларида, шунингдек солиққа оид низоми судгача ҳал қилиш давомида ва судда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш олиб бориш; солиқ текширувлари ўтказиш вақтида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш. Энди улар мижозга миллий стандартларда белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этишлари керак (олдин унга нисбатан талаблар белгиланмаган эди).

Малака сертификатини олиш учун талабгор олий таълим муассасасини тамомлаганидан кейин камида 5 йиллик, шу жумладан, иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича камида 2 йиллик иш стажига эга

бўлиши кераклиги белгиланган.

Қонун 2012 йил 5 январдан – «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.

ЎЗГАРТИРИШЛАР ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛДИ

2012 йил 5 январдаги ЎРҚ-318-сон Қонун билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга (1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон) ўзгартиришлар киритилди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар (бундан олдин истиснолар давлатлараро битимлар (шартномалар)да назарда тутилиши мумкин бўлган).

Пенсияни ҳисоблаш учун ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш тартиби қонун ҳужжатларидаги сўнгги ўзгартиришлар билан мувофиқлаштирилди. Эслатиб ўтамиз, ҳисоблаб ёзишда ўтган йиллардаги иш ҳақлари коэффициентлар ёрдамида пенсия тайинланадиган кундаги иш ҳақи даражасига келтирилади.

Чет элда ишлашга юборилган ходимлар пенсиясини ҳисоблаб чиқаришда улар чет элга юборилишидан олдин олган иш ҳақи ҳисобга олинадиган меъёр чиқариб ташланди. Энди уларнинг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Пенсионер вафот этган тақдирда унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга 2 ойлик пенсия миқдоридан, лекин ЭКИХнинг 3 ҳиссасидан (олдин – 2 ҳиссасидан) оз бўлмаган миқдорда дафн этиш нафақаси тўланади.

Қонун 2012 йил 6 январдан «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.

ИНСПЕКЦИЯЛАР АДЛИЯ ОРГАНЛАРИГА ҲАМ ҲИСОБДОР

Адлия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 31 декабрда 1279-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Энди бундай инспекциялар нафақат тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимлигига, балки адлия органларига ҳам ҳисобот берадилар. Улар рухсат берувчи (шу жумладан дастлабки рухсат берувчи) ҳужжатлар – геодезия-топография карталари ва ваколатли органларда ҳамда фойдаланувчи ташкилотларда объектлар қурилиши учун техник шартларни расмийлаштириш ҳуқуқига эга эмаслар.

Инспекция функциялари Интернет тармоғи орқали берилган электрон талабнома асосида марказлаштирилган маълумотлар базасида ҳужжатли юритувчи субъектнинг фирма номини захирага олиш билан тўлдирилди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва

рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш учун ҳужжатлар қабул қилиниши нафақат Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низоми (ВМнинг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган), балки бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади.

КАССИР-ОПЕРАЦИЯЧИНИНГ НАЗОРАТ-КАССА ДАФТАРИНИ ТЎЛДИРИШНИ УНУТМАНГ

Давлат солиқ қўмитаси қарори (АВ томонидан 2012 йил 9 январда 2309-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари шакли тасдиқланди (шу соннинг ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).

Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналаридан фойдаланиб, аҳоли билан нақд пулли ҳисоб-китоб қилувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан мажбурий тартибда тўлдирилади.

ЭНГ КАМ МЕЪЁРЛАРГА АНИҚЛАШТИРИШЛАР

Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги қарори (АВ томонидан 2012 йил 12 январда 2200-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритилди (шу соннинг ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).

Ўзгартиришларга мувофиқ қурилиш ташкилотлари тушунчаси аниқлаштирилган.

2011 йил 17 декабрдан 2012 йил 12 январгача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини экспертларимиз Мария ТУХТАРОВА, Абдураҳмон БАХТИЕВ ва Умидбек САФАРОВ тайёрладилар.

Реклама

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» масъулияти чекланган жамияти

2012 йил 27 январь кунини очиб аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 28-уй манзилида жойлашган «банкрот» деб эътироф этилган «PROFI PLAST INVEST PLUS» масъулияти чекланган жамиятига қарашли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01959 GAA, бошланғич нархи 9 898 000 сўм бўлган «НЕКСИЯ-S 150GL» ҳамда Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, А.Шоший 4-берк кўчаси, 32-уйда жойлашган «GRAND TEA PACKING» масъулияти чекланган жамиятига қарашли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/050 NAA, бошланғич нархи 9 667 000 сўм бўлган «НЕКСИЯ S150» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Ушбу мулкларни тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунинида сотилмаган тақдирда 2012 йилнинг 2, 9 февраль кунлари ўтказиладиган савдоларга қайтадан қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;
- закатат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 10 фоизи миқдоридан закатат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»нинг Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисобрақамига тўланади.

Буюртмаларни қабул қилиш аукцион ўтказиладиган кунини келтирилган манзилда эълон чоп этилган кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади. Савдолар соат 10.00 да бошланади.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй.
Алоқа телефони (+998 93) 388-6996, электрон почта tkos-mail@inbox.ru

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонун билан Солиқ кодексига 2012 йил 1 январдан бошлаб киритилган ўзгартиришлар бўйича маълумот

1-2, 4, 7-бетлар

✓ СИЗНИНГ АДВОКАТИНГИЗ

- Қвартира меросхўри ким?
- Ҳар бири ўз муддатида

- Алимент барибир ундирилади

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:

- ЎзР ДСҚнинг «Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;
- ЎзР ДСҚ, МВнинг «Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни

3-бет

ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

5-6-бетлар

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Қисқартиришдан бошлайман
- Мижозлар базасини топшириш шарт
- Ишламасликка рози
- Бир соат кам

8-бет

Танишим судга уни ишга тиклаш тўғрисида даъво билан мурожаат қилди. У билан тузилган муддатли меҳнат шартномасини ноқонуний деб топишни ва, тегишинча, унинг муддати тугаши муносабати билан меҳнат муносабатлари бекор қилинганлигини нотўғри деб топишни талаб қилди. Бироқ суд унинг талабларини қабул қилишдан бош тортиб, буни даъвогар даъво муддатини – муддатли меҳнат шартномаси тузилган кундан бошлаб 1 ойни ўтказиб юборганлиги билан асослади.

Мен ҳозир ана шу ташкилотга ишга кирдим, мен билан синов муддати белгиланган ҳолда муддатли меҳнат шартномаси тузилди. Мен ҳам уни номуайян муддатга тузилган деб эътироф этилишини истайман. Менинг ҳолатим МКнинг 76-моддасида назарда тутилган муддатли меҳнат шартномасини тузиш асосига айнан тўғри келмайди (бу масала бўйича меҳнат инспекциясининг хулосаси мавжуд). Билишимча, агар муддатли меҳнат шартномаси МКнинг 76-моддасига мувофиқ тарзда тузилмаганлиги аниқланса, унинг муддати тўғрисидаги шарт ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва шартнома номуайян муддатга тузилган деб белгиланади.

Қандай қилсам, тўғри иш тутган бўламан? Танишим уқтирганидек, тузилган пайтдан бошлаб даъво муддати ўтиб кетмаслиги учун ҳозир судга мурожаат қилайми? Ёки шартнома бекор қилингандан кейин дарҳол уни номуайян муддатга тузилган деб эътироф этиш учун судга мурожаат қилишим керакми? Бироқ бунда даъво муддатини ўтказиб юборган бўлиб чиқмайманми (танишимнинг даъвоси бўйича суднинг ҳал қилув қарори ана шундай асосга биноан қабул қилинган)?

Газетхон.

ҲАР БИРИ ЎЗ МУДДАТИДА

– Ҳаммаси нима хусусида низолашмоқчи эканлигингизга боғлиқ. Агар сиз билан тузилган муддатли меҳнат шартномасини нотўғри деб эътироф этишларини хоҳласангиз, у тузилган пайтдан бошлаб 3 ой мобайнида судга мурожаат қилишингиз керак. Агар сиз меҳнат шартномаси нотўғри бекор қилинганлиги муносабати билан ишга тикланишни хоҳласангиз, сиз билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисида буйруқ қўлингизга берилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида судга мурожаат қилишингиз лозим.

Муддатли меҳнат шартномаси тузилиши мумкин бўлган ҳолатлар Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 76-моддасида, шунингдек Олий суд Пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида» қарори (1998 йил 17 апрелдаги 12-сон, бундан кейин – ОС Пленумининг қарори) 5-бандида санаб ўтилган. Ушбу чеклашларга риоя этмаслик меҳнат қонунчилигини бузиш ҳисобланади.

Бунга лозим бўлган асосларсиз муддатли меҳнат шартномаси тузилаётгандаёқ ходимнинг ҳуқуқлари бузилади. Даъво муддати мазкур ҳолда бундай шартнома тузилган кундан бошлаб 3 ойни ташкил қилади (МК 270-моддасининг тўртинчи хатбошиси). Бироқ судга муддатли шартномани номуайян муддатга тузилган деб топиш талаби билан мурожаат қилиш, суднинг ҳал қилув қароридан қатъи назар, ходимга нисбатан иш берувчининг салбий муносабати тарзида номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин. Ходим меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши мазкур ҳолда муддатли меҳнат шартномасини тузиш пайтида тугалланмайди, балки уни бекор қилишгача давом этади. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг амалдаги нохуш оқибатлари эса меҳнат шартномасининг муддати тугаши муносабати билан ходим ишдан бўшатилаётганда юзага келади. **Ишга тиклаш масаласи бўйича даъво муддати эса меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқнинг нусхаси олинган кундан бошлаб 1 ойни ташкил қилади (МК 270-моддасининг иккинчи хатбошиси).**

Меҳнат шартномасининг муддати тугаганлиги сабабли унинг бекор қилиниши қонунийлиги тўғрисидаги низони кўришда суд муддатли меҳнат шартномаси ходим билан асосли ҳолда тузилганлиги, яъни меҳнат шартномаси тузилганда МКнинг 76-моддаси талаблари ҳисобга олинганлигига эътибор қаратмоғи лозим (ОС Пленуми қарорининг 4-банди). Агар ходим билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси кўрсатилган талабларни ҳисобга олмаган ҳолда тузилган бўлса, унинг муддати ҳақидаги шартлари ҳақиқий эмас деб топилади, ходим эса ишга номуайян муддатга биринчи иш кунидан бошлаб қабул қилинган ҳисобланади (ОС Пленуми қарорининг 5-банди). Тегишинча, муддати тугаши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ноқонуний деб топилиши ва бекор қилиниши, ходим эса ишга тикланиши керак.

КВАРТИРА МЕРОСХЎРИ КИМ?

Опам 2001 йилда вафот этганидан сўнг квартираси қолди. Унинг қизи ва ўғли (жиянларим) мерос олишмади ҳам. Опамнинг қизи 1993 йилдан бери Украинада яшайди. Тошкентда яшаган ўғли 2011 йил 15 августда вафот этди. 2003 йилда у никоҳини рўйхатдан ўтказиб, хотини ва қизини ушбу квартирага рўйхатга олдиранган. 2011 йил январда улар жўнаб кетишди, квартираддан ҳисобдан ўчишмади. Улар ҳақида ҳеч қандай маълумот мавжуд эмас. Опамнинг меросига (квартирага) жиянимнинг хотини ва қизи ҳамда унинг синглиси қандай ҳуқуқларга эга?

В.Кайгородцева.

– Агар опангиз вафотидан кейин васиятнома қолдирмаган бўлса, унинг мол-мулки мерос бўйича унинг болаларига (ФКнинг 1135-моддаси), яъни ўғил ва қиз жиянларингизга ўтади: квартиранинг ярми ўғилга, қолган ярми эса қизга тегишли. Ўғил меросни қабул қилмай вафот этганлиги боис, унга тегишли қисм, ФКнинг 1140-1-моддасига кўра, унинг рафиқаси ва қизига ўтади (мерос трансмиссияси).

ФКнинг 1151-моддасига мувофиқ, агар муросхўрлар орасида турган жойи номаълум шахслар бўлса, қолган меросхўрлар, васиятномани ижро этувчи (мерос бошқарувчиси)

ва нотариус уларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда уларни ворисликка қақриш юзасидан зарур чораларни кўришлари шарт. Сиз қиз жиянингизни ва ўғил жиянингизнинг хотини ҳамда боласини қидириб топиб, уларни меросдан хабардор қилиш йўли билан уларга ёрдам беришингиз мумкин. Агар улар меросдан воз кечишса (воз кечиш нотариал тасдиқланиши керак), квартира, ФКнинг 1136-моддасига кўра, иккинчи навбатдаги меросхўрларга, яъни мархуманинг туғишган синглиси сифатида сизга (агар унинг бошқа меросхўрлари бўлмаса) ўтиши мумкин. Опангизнинг қарин-

АЛИМЕНТ БАРИБИР УНДИРИЛАДИ

Қизим эри билан ажрашди. Биргаликдаги никоҳдан қизи бор. Никоҳ бекор қилингандан кейин қизнинг отаси моддий ёрдам курсатмади, шу сабабли биз бола 3 ёшга тўлгунча она ва болага алимент тўлаш даъвоси билан судга мурожаат қилдик. Суд даъво талабларини қондирди. Унинг ҳал қилув қарорига кўра жавобгар бола балоғат ёшига етгунча барча турдаги иш ҳақининг 1/4 қисми миқдорида ва қизи 3 ёшга тўлгунча даъвогарга 18 000 сўм миқдорида алимент тўлаши керак. Жавобгар почта орқали бор-йўғи 20 000 сўм юборади. Тушунтириб берсангиз, ушбу сумма (20 000 сўм) қандай ҳисобланган? Тайинланган алиментнинг миқдори бирор-бир шартларга мувофиқ ўзгариши керакми? Уни қайта ҳисоб-китоб қилса бўладими? Биз суммалар тўғри ҳисоб-китоб қилинишини назорат қилишимиз мумкинми? Қаерга мурожаат қилишимиз лозим?

М.Иброҳимова.

– Оила кодексининг (бундан кейин – ОК) 140-моддасига мувофиқ алимент қарзининг миқдори суд ижрочиси томонидан суднинг ҳал қилув қарорида белгиланган алимент миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Агар у қатъий суммада белгиланмаган бўлса, қарз алимент тўлашга мажбур шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Сизнинг ҳолатингизда қарздор онага 18 000 сўм ва болага даромаднинг чорак қисмини тўлаши керак. Суд ижрочиси унга ўзининг иш ҳақи (даромади) тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш талаби билан мурожаат қилиши керак. Агар қарздор ишламаса ёки ўзининг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этмаса, қарз уни ундириш пайтида Ўзбекистондаги ўртача иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Бунинг учун суд ижрочиси статистика органларига тегишли сўров билан мурожаат қилиши керак. Бунда, ОКнинг 99-моддасига биноан, 1 бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг 1/3 қисмидан кам бўлмаслиги керак. Яъни 2011 йил декабрда 1 бола учун алиментнинг энг кам миқдори 20 973 сўмни (62 920¹/3) ташкил қилади. Тегишинча, қизингиз боласи билан 2011 йил декабрда кам деганда 38 973 сўм (20 973 (болага) + 18 000 (онага)) олиши керак эди.

Алимент миқдори қарздор даромади ёки энг кам

иш ҳақи миқдорининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгариши керак.

Тарафлар судга алиментни қайта ҳисоб-китоб қилиш талаби билан мурожаат қилишлари мумкин. Бунда суд тарафларнинг моддий ва оилавий аҳволи ҳамда эътиборга молик бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб қарзни қатъий пул суммасида белгилаши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, алиментнинг миқдорини суд ижрочиси қарздорнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиқиб белгилайди. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» Қонуннинг (2001 йил 29 августдаги 258-II-сон) 11-моддасига биноан қизингиз ижро ишини юритиш материаллари билан танишиш, илтимосномалар тақдим этиш, ижро ҳаракатларини содир этишда иштирок этиш, қарши таклифлар билдириш, суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир. Шу тариқа, ундирувчи – боланинг онаси суд ижрочисининг ишини назорат қилишга: у қарздорнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни талаб қилиб олган-олмаганлигини текширишга, ўзи қарздор даромадининг бирор-бир манбалари борлигидан хабардор бўлса, уларни тақдим этишга ҳақлидир. Агар ундирувчи суд ижрочиси ўзининг ишини тегишли тарзда бажармаётганлиги ёки ҳаракатсизлигини аниқласа, тегишли шикоят билан Суд қарорларини ижро этиш департаменти бошлиғига мурожаат қилишга ҳақлидир.

¹Президентнинг 2011 йил 3 ноябрдаги ПФ-4377-сон Фармонида биноан 2011 йил 1 декабрдан бошлаб энг кам иш ҳақининг миқдори 62 920 сўмни ташкил қилади.

2011 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДАГИ ЎРҚ-313-СОНЛИ ҚОНУН БИЛАН СОЛИҚ КОДЕКСИГА

СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ МОДДАЛАРИ	ЭСКИ ТАХРИРИ	ЯНГИ ТАХРИРИ
	<i>Жисмоний шахсларнинг қўйидаги даромадларига солиқ солимайди:</i>	
179-модда. Жисмоний шахсларнинг солиқ солимайдиغان даромадлари (11-банд)	11) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар, бундан қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини) реализация қилишдан олинган даромадлар, шунингдек амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида олинган мол-мулкни сотишдан тушадиган даромадлар мустасно	11) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар, бундан: қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини); яшаш учун мўлжалланмаган жойларни; кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида икки мартадан ортиқ битим тузилган тақдирда, уй-жойларни реализация қилишдан олинган даромадлар мустасно
(17-банд)	17) депозит сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек банклар ва кредит уюшмаларидаги омонатлар бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар	17) жамғарма сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек банклар ва кредит уюшмаларидаги омонатлар бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар
(32-банд)	—*	32) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳада шартномалари бўйича) олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадлар, агар мазкур улушлар, пайлар ва акцияларни бериш яқин қариндошлар ўртасида амалга оширилса
	<i>Жисмоний шахсларнинг қўйидаги даромадларига белгиланган энг кам ставка бўйича солиқ солинади:</i>	
181-модда. Даромадларнинг алоҳида турларига солинадиган солиқ ставкалари	—*	мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга (тўртинчи хатбоши)
	—*	жисмоний шахслардан текин олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадларга (бешинчи хатбоши)
	—*	жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадларга (олтинчи хатбоши)
VII БЎЛИМ. ҚЎШИЛГАН ҚЙММАТ СОЛИГИ		
218-модда. Ҳисобга олинган солиқ суммаси (учинчи қисм, биринчи жумласи)	Реализация қилинганда ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқариш учун ишлатилган ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи товарлар экспортдан солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади	Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарларни экспортга реализация қилиш обороти мақсадида фойдаланиладиган, ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи товарлар экспортдан солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади
XI БЎЛИМ. МОЛ-МУЛК СОЛИГИ		
	<i>Қўйидаги мол-мулк солиқ солиш объектидир:</i>	
266-модда. Солиқ солиш объекти (биринчи қисм, 3-банд)	3) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига қурилиши шу объект қурилишига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда ниҳоясига етказилмаган объектлар киради	3) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига муайян қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради
269-модда. Имтиёзлар (биринчи қисм, биринчи хатбоши) (иккинчи қисм, 1-банд)	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қўйидагиларнинг қийматига камайтирилади	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қўйидагиларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига (ўртача йиллик қийматига) камайтирилади
	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қўйидагилар озод қилинади: 1) соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ҳамда ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият ва санъат ташкилотлари	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қўйидагилар озод қилинади: 1) соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ҳамда ижтимоий таъминот, таълим, маданият ва санъат ташкилотлари
271-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби (иккинчи қисм)	Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар ҳар ойда жорий тўловларни тўлайдилар, микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно. Жорий тўловлар суммаси тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қийматдан) ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдоридан белгиланади. Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчи солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига белгиланган шаклдаги маълумотномани жорий йилнинг 20 январига тақдим этади	Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар ҳар ойда жорий тўловларни тўлайдилар, микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно. Жорий тўловлар суммаси тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қийматдан) ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдоридан белгиланади. Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчи солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига белгиланган шаклдаги маълумотномани жорий йилнинг 10 январига тақдим этади
(учинчи қисм)	Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 25-кундан кечиктирмай амалга оширилади	Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 10-кундан кечиктирмай амалга оширилади
277-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби (ўн иккинчи қисм)	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш тенг улушларда бир йилда икки марта амалга оширилади: ҳисобот йилининг 15 июнига қадар; ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар амалга оширилади
XII БЎЛИМ. ЕР СОЛИГИ		
286-модда. Солиқ тўлаш тартиби	Ер солигини тўлаш, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойнинг 15-кунига қадар тенг улушларда амалга оширилади	Ер солигини тўлаш, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойнинг 15-кунига қадар тенг улушларда амалга оширилади. Ҳисобот даври учун ер солиғи тўлашнинг белгиланган муддатидан кейин мажбуриятлар юзага келганда, ушбу суммани тўлаш мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширилади
294-модда. Солиқ тўлаш тартиби (олтинчи қисм)	Солиқ даври учун ер солиғи тўлаш жисмоний шахслар томонидан йилга икки марта тенг улушларда амалга оширилади: ҳисобот йилининг 15 июнига қадар; ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар	Солиқ даври учун ер солиғи тўлаш жисмоний шахслар томонидан ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар амалга оширилади
XIII БЎЛИМ. ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОЛИГИ		
300-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби (бешинчи қисм)	Жорий тўловлар ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг йил чорагидаги суммасининг учдан бир қисми миқдоридан ҳар ойнинг 15-кундан кечиктирмай тўланади	Жорий тўловлар ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг йил чорагидаги суммасининг учдан бир қисми миқдоридан ҳар ойнинг 10-кундан кечиктирмай тўланади
XV БЎЛИМ. ИЖТИМОЙ ЖАМҒАРМАЛАРГА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР		
306-модда. Солиқ солиш объекти	Ушбу Кодекснинг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва сугурта бадалларининг солиқ солиш объектидир	Ушбу Кодекснинг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва сугурта бадалларининг солиқ солиш объектидир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ юридик шахс – Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари ҳам ягона ижтимоий тўловнинг солиқ солиш объектидир

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**
 - ЎзР ДСҚнинг «Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;
 - ЎзР ДСҚ, МВнинг «Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

КАССИР-ОПЕРАЦИЯЧИНING НАЗОРАТ-КАССА ДАФТАРИ ШАКЛИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 9 январда рўйхатдан ўтказилди. Рўйхат рақами 2309.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 2-сон, 19-модда)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 47-сон, 488-модда) билан тасдиқланган Аҳоли билан пулли ҳисобкитобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси

Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин;
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Раис
Б.ПАРПИЕВ.

Тошкент ш.,
2011 йил 14 декабрь
2011-40-сон.

*2012 йил 19 январдан кучга киради.

ЎзР ДСҚнинг 2011 йил 14 декабрдаги
2011-40-сон қарорига
ИЛОВА

КАССИР-ОПЕРАЦИЯЧИНING НАЗОРАТ-КАССА ДАФТАРИ

Хўжалик юритувчи субъектнинг номи ва СТИР _____

Назорат-касса машинаси ўрнатилган шохобча манзили _____

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият тури _____

Назорат-касса машинасининг русуми _____ завод рақами _____

Назорат-касса машинаси ишлаб чиқарилган сана _____ дастурий маҳсулоти (версияси) _____

Назорат-касса машинасини давлат солиқ инспекциясида рўйхатга олиш рақами _____ санаси _____

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан назорат-касса машинасига берилган мувофиқлик сертификати рақами _____ берилган сана _____

Назорат-касса машинасига техник хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи ташкилот номи _____

(механикнинг Ф.И.О. ва тел. рақами)

Назорат-касса машинаси рақами

(завод рақами кўрсатилади)

Сана (смена)	Кассир-операциячининг фамилияси, исми, отасининг исми	«Л» ҳисоботининг тартиб рақами	Нақд пул тушуми кўрсаткичи (ўсиб борувчи тартибда)		Иш куни (смена) якуни бўйича назорат-касса машинаси кўрсаткичи	Иш куни (смена) давомида банкка топширилган нақд пул тушуми			Иш куни (смена) охирига қолдиқ сумма	Имзолар	
			иш куни (смена) бошига	иш куни (смена) охирига		жами	инкассациягача бўлган тушум	олдинги иш кунидан қолдиқ сумма		кассир-операциячининг	ёзувнинг тўғрилгини тасдиқловчи масъул шахснинг
1	2	3	4	5(4+6)	6	7(8+9)	8	9	10(6-8)	11	12

Изоҳ: Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналаридан фойдаланиб, аҳоли билан нақд пулли ҳисоб-китоб қилувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан мажбурий тартибда тўлдирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**«ХОДИМЛАР СОНИ ВА МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ФОНДИНИНГ ЭНГ КАМ МЕЪЁРЛАРИ
ЖОРИЙ ЭТИЛИШНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ
ТЎЛОВЛАРНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМГА
ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ
ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
12 январда рўйхатдан ўтказилди. Рўйхат рақами 2200-1.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 2-сон, 24-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1449-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 52-сон, 513-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилади-лар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва

***2012 йил 22 январдан кучга киради.**

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2011-38-сон

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
77-сон

Тошкент ш., 2011 йил 7 декабрь.

ЎзР ДСҚ ва МВнинг 2011 йил 7 декабрдаги
2011-38, 77-сон қарорига
ИЛОВА

**ХОДИМЛАР СОНИ ВА МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ФОНДИНИНГ ЭНГ КАМ МЕЪЁРЛАРИ
ЖОРИЙ ЭТИЛИШНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ
ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА**

1. 3-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Мазкур Низом мақсадларида куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

чакана савдо ташкилотлари — ҳисобот чораги яқунлари бўйича асосий фаолият тури чакана савдо бўлган юридик шахслар;

умумий овқатланиш ташкилотлари — ҳисобот чораги яқунлари бўйича асосий фаолият тури умумий овқатланиш бўлган юридик шахслар;

қурилиш ташкилотлари — ҳисобот чораги яқунлари бўйича асосий фаолият тури куйидаги турдаги қурилиш ишларини бажариш бўлган юридик шахслар:

барча турдаги бинолар, спорт иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш, шунингдек қурилиш майдонларидаги йиғма қурилиш конструкцияларини монтаж қилиш;

бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилишда қурилиш майдонини тайёрлаш;

ҳар хил турдаги бино ва иншоотлар учун умумий бўлган бир йўналишга ихтисослаштирилган ҳамда махсус малака ва асбоб-ускуналарни талаб қилувчи қурилиш фаолияти (фундамент қуриш, шу жумладан қозиқ қоқиш; ўзи ишлаб чиқармаган пўлат конструкцияларни монтаж қилиш; арматура каркаслари элементларини букиш; гишт ва бошқа тошларни териш; ҳавозалар ва тахтасупаларни, шу жумладан ижарага олинганларини ўрнатиш ва демонтаж қилиш, ўзи ишлаб чиқармаган фасад каркасларини монтаж қилиш ва ўрнатиш);

бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилишда муҳандислик асбоб-ускуналарини ўрнатиш;

бино ва иншоотларни қуришда ишлов бериш ва бошқа яқуний ишлар;

аҳоли буюртмалари бўйича уй-жойларни (квартираларни), шунингдек ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаган бино (хона)ларни таъмирлаш;

Молия вазирлиги 2011 йил 2 февралдаги 2011-5, 6-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга (рўйхат рақами 2200, 2011 йил 23 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 7-8-сон, 79-модда) иловага мувофиқ ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди — Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддасида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги ва ягона ижтимоий тўловнинг солиқ солиш объекти бўлган даромадлар, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича фаолият юритувчи жисмоний шахсларга тўғри келадиган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бундан мустасно;

тўловларнинг умумий ставкаси — ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг суғурта бадаллари ставкаларини ва жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган 1 фоизга камайтирмаган ҳолдаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ставкасини ўз ичига олувчи умумий ставка».

2. 1а ва 4-иловалар ушбу ўзгартишлар ва қўшимчага тегишинча 1 ва 2-иловаларга мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

3. 1б-иловадаги эслатма куйидаги таҳрирда баён этилсин: «Эслатма:

1. Агар умумий овқатланиш ташкилоти 4 та ўриндан ортиқ ўтириш жойига мўлжалланган столларга эга бўлса, «020» — сатр кўрсаткичи барча ўринлар сонини кўшиш ва олинган суммани 4 га бўлиш йўли билан ҳисоблаб тўлдирилади. Масалан, ташкилот 10 ўринга мўлжалланган 6 та столга эга бўлса, «020» сатрда 15 (6*10/4) кўрсатилади.

2. 50 дан ортиқ хизмат кўрсатиладиган столи бўлган банкет залларига эга ресторан ва кафелар 50 та хизмат кўрсатиладиган столни кўрсатадилар».

4. 2-илованинг жадвалида: 0101 ва 0102-сатрлар «/ ёқилги тарқатиш колонкалари сони, дона» деган сўзлар билан тўлдирилсин; 080-сатр формуласи куйидаги таҳрирда баён этилсин: «(060-сатр – 070-сатр)».

5. 3-илова жадвалидаги 080-сатр формуласи куйидаги таҳрирда баён этилсин: «(060-сатр – 070-сатр)».

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимчага
1-ИЛОВА

«Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1а-ИЛОВА

Хужжат тури

/

Хужжат тури: 1 — ахборот, 2 — аниқлаштирилган ахборот (каср орқали аниқлаштириш рақами)

_____ йил учун

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини ҳисоблаш учун асос бўладиган кўрсаткичлар тўғрисидаги
АХБОРОТ
(чакана савдо ташкилотлари учун)

_____ га тақдим этилади

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

**Солиқ тўловчи ҳақида
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Юридик шахснинг тўлиқ номи _____

2. Манзил _____

3. СТИР

4. Телефон: код рақам

Тақдим этилган аниқлаштиришлар санадан қўлланилади

Кўрсаткич номи	Сатр	Кўрсаткич қиймати
1-сонли стационар савдо залининг эълон қилинган майдони, м ² / Ёқилғи тарқатиш колонкаларининг эълон қилинган сони, дона	010	
Ҳафталик иш режими (ҳафтасига жами соатларда)	020	
2-сонли стационар савдо залининг эълон қилинган майдони, м ² / Ёқилғи тарқатиш колонкаларининг эълон қилинган сони, дона	030	
Ҳафталик иш режими (ҳафтасига жами соатларда)	040	
...	...	

Изоҳ: йирик ўлчамли товарларни сотувчи ва ушбу товарларни намуна сифатида кўргазмага қўювчи (мебель ва автомобилотранспорт воситаларини сотиш дўконлари, йирик ўлчамли маиший ва бошқа техникаларни намоиш қилиш учун кўргазма майдонлари, савдо заллари, қурилиш моллари дўконлари) савдо зали майдони 200 квадрат метрдан ортиқ бўлган чакана савдо ташкилотлари савдо зали майдонини 200 квадрат метр деб кўрсатадилар.

Мазкур ахборотда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Ушбу маълумотлар (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)
СТИР <input type="text"/>	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда
Ф.И.Ш. _____	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта орқали орқали
Имзо _____	<input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди
Бош бухгалтер	Тақдим <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>
СТИР <input type="text"/>	этилган сана (кун/ой/йил)
Ф.И.Ш. _____	Ф.И.Ш. _____
Имзо _____	Имзо _____
Сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	
(кун/ой/йил)	

М.Ў.»

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимчага
2-ИЛОВА

«Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

_____ чорак учун
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги
МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБ
 (асосий фаолият тури — қурилиш)

га тақдим этилади

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

Солиқ тўловчи ҳақида
МАЪЛУМОТЛАР

1. Юридик шахснинг тўлиқ номи _____
 2. Манзил _____
 3. СТИР

4. Телефон: код рақам

Кўрсаткич номи	Сатр	Кўрсаткич			
		1-ой	2-ой	3-ой	чорак
Асосий ходимлар (қурувчи-ишчилар) сонининг энг кам меъёри	010				x
Маъмурий ва техник ходимлар ҳамда бошқа фаолият турлари бўйича фаолият олиб боровчи ходимлар сони, жами	020				x
Корхона бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёри, жами (010-сатр + 020-сатр)	030				
Асосий фаолият тури бўйича ягона тариф сеткаси бўйича ишчиларнинг ўртача разряди тариф коэффициенти	040				x
Ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг ўртача разряди тариф коэффициенти	050				x
Тармоқ коэффициенти	060				x
Энг кам иш ҳақи миқдори, сўм	070				x
Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри, сўм (030-сатр x 050-сатр x 060-сатр x 070-сатр)	080				
Ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, сўм	090	x	x	x	
Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрининг ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ортиб кетиши, сўм (080-сатр - 090-сатр)	100	x	x	x	
Тўловларнинг умумий ставкаси, %	110	x	x	x	
Тўланиши лозим, сўм (100-сатр x 110-сатр / 100)	120	x	x	x	

* Ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёридан ортиб кетганда «100» сатрда «0» қиймати кўрсатилади.

Мазкур ахборотда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Ушбу маълумотлар (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)
СТИР <input type="text"/>	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда
Ф.И.Ш. _____	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта
Имзо _____	<input type="checkbox"/> орқали <input type="checkbox"/> орқали
Бош бухгалтер	<input type="checkbox"/> _____ варақда тақдим этилди.
СТИР <input type="text"/>	Тақдим <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>
Ф.И.Ш. _____	этилган сана (кун/ой/йил)
Имзо _____	Ф.И.Ш. _____
Сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	Имзо _____
(кун/ой/йил)	

М.Ў.»

4-бетда

2012 йил 1 январдан бошлаб киритилган ўзгартиришлар бўйича маълумот

СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ МОДДАЛАРИ	ЭСКИ ТАҲРИРИ	ЯНГИ ТАҲРИРИ
307-модда. Солиқ солинадиган база	Ягона ижтимоий тўловни ва сугурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база ушбу Кодекснинг 172-моддасига мувофиқ тўланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади, ушбу Кодекснинг 308-моддасида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно.	Ягона ижтимоий тўловни ва сугурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база ушбу Кодекснинг 172-моддасига мувофиқ тўланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади, ушбу Кодекснинг 308-моддасида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно. Ушбу Кодекс 306-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган даромадлар бўйича ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база чет эллик ходимларга тўланадиган даромадлар суммаси сифатида аниқланади, бироқ бу сумма Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига доир харажатлар умумий суммасининг 90 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.
308-модда. Имтиёзлар	<i>Ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўловларга:</i>	
(1-банд)	1) ушбу Кодекс 174-моддасининг 5, 8, 9, 11 ва 12-бандларида кўрсатилган компенсация тўловлари	1) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу Кодекс 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар
(2-банд)	2) ходимга ҳисобланадиган ва унинг розилиги билан тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларига (шанбаликлар, якшанбаликлар ва шу кабилар учун) ўтказиладиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар	—**
(6-банд)	6) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг оддий, сержант ва офицер таркибларида хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар***	—**
	—*	Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловларга ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб чиқарилмайди (иккинчи қисм)
310-модда. Ягона ижтимоий тўловни ва сугурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби (бешинчи қисм)	Тўлов қуйидаги муддатларда амалга оширилади: ягона ижтимоий тўлов – ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай; сугурта бадаллари – иш ҳақи пул маблағлари олиш учун банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда. Иш ҳақи ҳисобига ойнинг биринчи ярми учун бўнак (аванс) олиш учун ҳужжатлар тақдим этилганда сугурта бадаллари тўлови амалга оширилмайди	Ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадалларини тўлаш ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилади
313-модда. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база (тўртинчи қисм)	Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлар учун белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт	Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлардан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт
XVI БЎЛИМ. РЕСПУБЛИКА ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИГА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР		
317-модда. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база (тўртинчи қисм)	Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлар учун белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт	Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлардан келиб чиққан ҳолда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт
XIX БЎЛИМ. ТОВАРЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ БИЛАН ЧАКАНА САВДО ҚИЛИШ ВА АЙРИМ ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ҲУҚУҚИ УЧУН ЙИҒИМ		
347-модда. Йиғимни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби	—*	Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим бўйича ҳисоб-китоб фаолият амалга ошириладиган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига: Йил давомида тегишли рухсат гувоҳномасини (маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг қарорини) олган солиқ тўловчилар томонидан – рухсат гувоҳномаси (маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг қарори) берилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмасдан; фаолият юритаётган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар йили ҳисобот йилининг 15 январигача тақдим этилади (тўртинчи қисм)
	—*	Энг кам иш ҳақининг миқдори ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчилар аниқлаштирилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўлов муддатидан кечиктирмай тақдим этиши шарт (бешинчи қисм)

* Мавжуд бўлмаган.

** Чиқариб ташланган.

*** Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сон Қонунига мувофиқ 6-банд 2012 йил 1 августда ўз кучини йўқотади.

ҚИСҚАРТИРИШДАН БОШЛАЙМАН

Мен корхонага раҳбарлик қилишга яқинда киришдим. Раҳбарликни ходимлар сони ва штатини қисқартиришдан бошлашимга тўғри келади. Жамоа шартномасида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ходимларнинг вакиллик органидан олдиндан розилик олиш назарда тутилган.

Иш берувчи ходимларнинг вакиллик органига неча мартаба мурожаат қилиши керак?

Корхона раҳбари.

– Ходимлар сони ва (ёки) штатнинг қисқарганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш – ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун асослардан биридир (Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди, бундан кейин – МК).

Сиз жамоа шартномасида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ходимларнинг вакиллик органидан олдиндан розилик олиш назарда тутилган деб ёзгансиз. Ушбу меъёр МК 101-моддасининг талабларига жавоб беради. Бунда МК ходимлар сони ва (ёки) штати қисқарганда иш

берувчининг ходимлар вакиллик органига мурожаат қилиш таомилини аниқ тартибга солади.

Аввалига у қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин **камида 2 ой олдин** ходимларнинг вакиллик органига ходимларни оммавий равишда ишдан озод қилиш эҳтимоли тўғрисида ахборот тақдим этиши ва ишдан озод этишнинг оқибатларини юмшатишга йўналтирилган маслаҳатлар бериш тадбирини ўтказиши керак. Иш берувчи шунингдек **камида 2 ой олдин** ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда бўлажак ишдан озод қилиш тўғри-

сидаги маълумотларни Бандлик-ка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказига маълум қилиши шарт (МК 102-моддасининг еттинчи қисми).

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантиришнинг **2 ойлик муддати тугашигача** иш берувчи ходимлар сони ва (ёки) штатни қисқартириш бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик олиш учун яна ходимларнинг вакиллик органига мурожаат қилиши керак. Вакиллик органи ёзма тақдимнома олинган кундан бошлаб **10 кунлик муддатда** иш берувчига ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ўз розилигини ёзма шаклда хабар қилиши керак (МК 101-моддасининг иккинчи қисми). Иш берувчи ходимлар вакиллик органининг розилик бериш тўғрисида қарори қабул қилинган кундан бошлаб 1 ойдан кечиктирмай меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир (МК 101-моддасининг учинчи қисми).

Мен реализация бўйича менежер эдим. Раҳбариятни икки ҳафта аввал огоҳлантириб, 30.11.2011 йилда ўз хоҳишим билан ишдан бўшадим. Қарзим йўқлиги варақасини 2.12.2011 йилда олдим. Менинг номимга қайд этилган нарсаларнинг ҳаммасини топширдим. Варақамни ҳамма раҳбарлар имзолашди, фақат бўлимим бошлиғи имзоламади: у мен бир неча йил аввал тузган мижозлар базасини топширишимни талаб қияпти. Бунга қандай асослари борлигини исботлашмади, бироқ меҳнат дафтарчасини беришмаяпти.

Нима қилишим керак?

Искандар А.

МИЖОЗЛАР БАЗАСИНИ ТОПШИРИШ ШАРТ

– Сизга нисбатан ноҳақ муносабатда бўлишган. МКнинг 108-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Меҳнат дафтарчаси берилиши ушлаб турилган тақдирда унинг суд орқали берилишини талаб қилишга ҳақлисиз, айтилган вақтда, МКнинг 275-моддасига мувофиқ, сизни меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум қилганликлари муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаганлик оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун иш берувчидан ҳақ ундириш имкониятингиз бор.

Бироқ шуни ҳам эслатиш лозимки, меҳнат шартномасини бекор қилиш олдиндан мижозлар базасини топшириш талаби асосга эга, чунки ушбу маълумотларни тузиш сизнинг меҳнат вазибаларингизга кирган ва уни топширмаслик кейинчалик бундан келиб чиқадиган барча оқибатлари билан бирга ташкилотга зарар етказиш деб қаралиши мумкин.

ИШЛАМАСЛИККА РОЗИ

Бирор ҳужжатда иш ҳақи сақланмайдиган таътилнинг энг кўп муддати қайд этилганми?

Жанна Д.

– МК 150-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, ходимнинг аризага биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасида келишувга биноан белгиланади ва энг кўп муддат билан чекланмаган.

Шу билан бир қаторда қонунчиликда иш берувчи бундай таътилни бериши шарт бўлган бир қатор ҳоллар назарда тутилган. Бунда унинг энг кўп муддати МК ёки қонун ҳужжатлари ёхуд меҳнат тўғрисидаги бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек меҳнат шартномасининг шартлари билан тартибга солинади. Чунончи, МК 150-моддасининг иккинчи қисмида шундай қоида мавжудки, унга кўра иш берувчи қуйидаги ходимларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериши шарт:

1941-1945 йиллардаги уруш

қатнашчилари ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга – ҳар йили 14 календарь кунга қадар;

ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига – ҳар йили 14 календарь кунга қадар;

2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (МКнинг 234-моддаси);

12 ёшга тўлмаган 2 ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга – ҳар йили 14 календарь кунга қадар (МКнинг 232-моддаси).

МКнинг 254-моддасига биноан, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларни топширишга рухсат этилган ходимларга олий ўқув юртларига кириш учун **камида 15 календарь кун муддат билан** иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади, ўқув юрти жойлашган ерга бориш ва қайтиб келиш вақти бу ҳисобга кирмайди.

БИР СОАТ КАМ

Тўлиқсиз иш вақтида ишлайдиган ходимлар учун байрам арафасидаги кунни 1 соатга камайтириш назарда тутилганми?


Комила Ш.

– МКнинг 121-моддасига кўра байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун **камида 1 соатга қисқартирилади** (МКнинг 131-моддаси).

Ушбу меъёр умумий тусга эга. У тўлиқсиз иш куни банд бўлган ходимларга ҳам татбиқ этилади, чунки улар учун ҳеч қандай истиснолар назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, МК 119-моддасининг учинчи қисмига биноан, тўлиқсиз иш вақти шарт билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнатга оид ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади. Шу тартиқ, тўлиқсиз иш вақтида банд бўлган ходимлар учун байрам арафаси куни ҳам 1 соатга қисқаради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш-техник ва бошқа шартларга кўра тўхтатиб қўйиш мумкин бўлмаган (узлуксиз фаолият кўрсатувчи корхона-



лар), иш (смена) муддатини камайтириш мумкин бўлмаган ишларда байрам арафаси кунда **ортиқча ишлашга (1 соатга) икки ҳиссадан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади**. Ходимнинг илтимосига биноан у иш вақтидан ташқари ишланган соатлар сони билан ўлчанадиган миқдорда отгул берилиши билан компенсацияланиши ҳам мумкин. Иш вақтидан ташқари бажарилган иш оттул билан компенсацияланганда бундай ишлар учун **камида 1 ҳисса миқдорида меҳнат ҳақи тўланади** (МКнинг 157-моддаси).

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юристимиз.

Реклама

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
УзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

САР ва СІРА сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади

Тел.: (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

ЭЪЛОНЛАР

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ
Аудит. Бухгалтерия хизматлари*.
Тел.: 570-18-64.

БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ
«ААА» – бухгалтерия ҳисобини юритиш, тиклаш. Ҳисоботларни тайёрлаш ва топшириш. Асосий воситаларни қайта баҳолаш. Тўлиқ бухгалтерия кузатуви. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: (+99890) 910-92-20.

ЭЪЛОНЛАР

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ
Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш*.
Тел.: (+99898) 365-33-60, (+99871) 245-75-47.

Баҳолаш ва бизнес-режалар*.
Тел. 430-56-00.

БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ
Ўз иш ҳажмларига эга бўлган божхона расмийлаштируви мутахассислари ва декларантлар керак. Тел.: 109-26-11, 128-25-08.

ЭЪЛОНЛАР

«ASTER» ХК – БЮДни расмийлаштириш, юкларни декларациялаш.
Тел.: 127-31-08, 233-23-27, 109-26-11.

ХИЗМАТЛАР
Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

*Хизматлар лицензияланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД КУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
"Norma маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 14 Адади 3090. Баҳоси келишилган нарҳда
Газета 2012 йил 16 январда соат 13.30 да топширилади.
ISSN 2010-5223